

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2025 йил январь ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Избоскан туман суди, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Назирбеков, судья ёрдамчиси А.Боқиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Избоскан туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Бобомирзаев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Пахтаобод тумани “ADOLAT ASOSIDA” адвокатлик бюроси адвокати О.Абдуллаевнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан юритилган №1-1708-2401/277-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ([REDACTED]) - [REDACTED] Пахтаобод туманида туғилган, миллати уйғур, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, [REDACTED] а яшайди, иш бўйича 2024 йил 20 ноябрь куни “Шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 15 декабрь куни олган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED], 2024 йил 07 ноябрь куни 16:30ларда, ДХХ Пахтаобод тумани бўлими, Пахтаобод тумани ИИБ ТҚХ ЖҚБ ва ТҚКБ ҳамда ЖХХ ХПБ ПКИ ҳамда ППХБ 3-туманларо отряди ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган, «Гиёхвандлик, психатроп ва кучли таъсир қилувчи дори воситаларини ноқонуний айланишига қарши кураши» ҳамда «Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни иншоатларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт



воситаларни текшириш» тезкор қидирув тадбири давомида, унинг яшаш хонадони икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтда, хонадоннинг омборхонасидан ўткир хидли ўсимлик моддаларини сақлаб келаётганлиги аниқланиб, холислар иштирокида олингани, суд-кимёвий экспертизасининг 09.11.2024 йилдаги №1158-сонли хулосасига кўра, олинган моддалар таркибида соф оғирлиги 0,24 грамм “Гашиш” моддаси эканлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, у мактабни тамомлаганидан сўнг, ишлаб пул топиш мақсадида Россия давлатига бориб ишлаб юргани, мазкур ишлаб юриш жараёнида бирга ишловчи тожик боллардан гихёвандлик моддасини чекаётганлигини кўриб, улардан гихёвандлик моддасини истемол қилишни чекишни ўргангани, шундан сўнг, Ўзбекистонга келганидан сўнг, далаларнинг четида ариқ бўйларида ўсиб ётган ёввойи нашаларни ўзини истемоли учун териб, қўллари билан ишқалаш йўли орқали майдалаб, сигаретни учига ҳамда баклашка орқали чекиб юргани, у гиёхвандлик моддасини ҳар куни истемол қилмаслигини, бази-базида тахминан 10 кунда бир истеъмол қилиб келгани, яшаш хонадонидан ИИБ ходимлари томонидан гиёхвандлик моддасини топиб олишганидан сўнг, гихёвандлик моддасини истемол қилишини ташлаб юборгани, 2024 йил 07 ноябрь куни яшаш махалласи [REDACTED] МФЙдаги дадаликдан шолини йиғиштириб, яшаш хонадонига олиб келаётган вақтида ариқларни бўйларида ўсиб ётган ёввойи нашаларни кўриб ўзини истеъмоли учун териб олгани, у ушбу ёввойи нашаларнинг баргларини териб яшаш хонадонига олиб келганидан сўнг, қўллари билан ишқалаш йўли орқали майдалаб, яшаш хонадонига олиб келиб, шоли махсулотларини жойлаётган омборхонага олиб кириб, қопларни орасига солиб қўйгани, шундан сўнг, шу куни шоли махсулотларини яшаш хонадонига олиб келиб, омборхонага жойлаётган вақтида, яшаш хонадонига бир неча ўзларини туман ИИБ ЖҚБ ва ХМҚО ходимлари деб таништирган ходимлар келишиб, туман прокурори ҳамда туман ИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланган қарорга асосан, “Турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш» тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ҳақидаги қарорни ўқиб таништиришгани, сўнгра, у яшаш хонадонини икки нафар холислар иштирокида кўздан кечиришларини айтишганидан сўнг, у уларга яшаш хонадонини кўздан кечиришлари учун очиб бергани, ХМҚО ходимлари яшаш хонадонини кўздан кечириш жараёнида, шу куни даладан териб келган, ўзини истеъмоли учун сақлаб қўйган, гихёвандлик моддасини ходимлар топиб олишгани, шундан сўнг, ходимлар ушбу гиёхвандлик моддаси кимга тегишли деб айтган вақтида, у мазкур моддани ўзига тегишлилигини истеъмоли



учун териб олганлигини маълум қилгани, бундан ташқари, ўша ерда гиёхвандлик моддасини истеъмол қилишга мўлжалланган 1 дона 0,5 хажмли баклашкани ҳам топиб олишиб, гихёвандлик моддаси ва 1 дона 0,5 хажмли баклашкани баённома орқали олишгани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, уни жазодан озод қилишни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2024 йил 7 ноябрь куни соат тахминан 16:10лар чамасида маҳалласида яшовчи, [REDACTED]нинг хонадонини олдида, таниши Кўчқаров Иномидин билан бирга гаплашиб турганларида, олдиларига туман ИИБ ходимлари келишгани ва шу маҳаллада яшовчи [REDACTED]нинг яшаш хонадонидан кўздан кечириш ҳаракатини ўтказишларини, ушбу кўздан кечириш жараёнида холис сифатида қатнашиб беришларини сўрашгани, шундан сўнг, [REDACTED] иккаласи ИИБ ходимлари билан бирга [REDACTED]нинг хонадонига киришгани, у ерда ИИБ ходимлари хонадон эгаси [REDACTED]га туман ИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланган ва туман прокурори томонидан рухсат берилган хонадонидан кўздан кечириш ҳаракатини ўтказиш тўғрисидаги қарорни ўқиб таништиргани, шундан сўнг, кўздан кечириш бошлангани, дастлаб хонадонга кириб, ўнг томонида жойлашган хоналарни кўздан кечирилгани ва ушбу хоналарда ҳеч қандай ноқонуний нарса ва буюмлар аниқланмагани, шундан кейин, хонадоннинг чап томонида қурилган навес кўздан кечирилганида, ушбу навеснинг ичига шоли солинган қоплар тахланган ҳолда турганлиги кўрингани, кейин ИИБ ходимлари уларнинг иштирокларида ушбу қоплар орасини кўздан кечиришганида 1 дона 1.0 литр хажмли, 1 дона 0.5 литр хажмли таги тешилган гиёхвандлик моддасини истеъмол қилишга мўлжалланган елим баклажклар борлиги, бундан ташқари қоплар тагида ичига сув тўлдирилган оқ рангли елим идиш ва идишга 0.5 литр хажмли остки қисми кесилган, баклашкани олдида ўткир хидли жигарранг тусли қуритилган модда солинган ҳолдаги елим баклажка тикилган гиёхвандлик моддасини истеъмол қилиш учун тайёрланган мосламалар борлиги аниқланиб, ушбу нарсалар олингани ва уларнинг иштирокларида ўткир хидли жигарранг тусли қуритилган модда 1-сонли пакетга, елим баклажка идишлар эса 2-сонли пакетга солиниб мухирлангани, шундан сўнг, хонадоннинг қолган хўжалик бинолари ҳам кўздан кечирилгани ва у ерлардан ноқонуний нарсалар аниқланмагани, шундан кейин кўздан кечириш ҳаракати яқунлангани ва фуқаро [REDACTED] хонадонидан олинган нарсалар тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, баённома орқали келгусида текшириб кўришлик учун туман ИИБ ихтиёрига олингани ҳақида кўрастув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, гувоҳ [REDACTED]нинг кўрсатувларини тасдиқлаб, унга ўхшаш кўрсатув берди.



Суд, тарафларнинг фикрини, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи [REDACTED]нинг юқоридаги жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзини айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, турар жойларни, бошқа жойларни ва бошқаларни текшириш тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ҳақидаги қарор, ашёвий далилларни олиш баённомаси, суд кимёвий, суд наркологиya экспертизалари хулосалари, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, шунингдек тергов жараёнида тўпланган ва жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар мажмуи билан исботланган, деб топади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED]ни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органи томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инobatга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йил кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилиниши, ҳамда 3-бандидаги жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал



тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилган ҳолда, гарчанд у томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят бўлсада, содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 70, 71-моддаларини тадбиқ этмасликни, уни ўз айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини эътиборга олиб, у айбли деб топилаётган модда санциясида назарда тутилган мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашни;

шунингдек, ашёвий далил деб эътироф этилиб, вақтинча сақлаш учун ДХХ Андижон вилоят бошқармаси хўжалик бўлимига топширилган жами 0,19 грамм “Гашиш” гиёхвандлик моддасини тегишли тартибда йўқ қилишни;

шунингдек, ашёвий далил деб эътироф этилиб, вақтинча сақлаш учун Пахтаобод туман ИИБ ТБ ашёвий далиллар хонасига топширилган бир дона 0,5 хажмли, бир дона 1 литр хажмли ва бир дона пастки қисми кесиб ташланган ҳолдаги полимер идиш баклашкаларни тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

_____ (_____)) Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

_____га Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан 200 (икки юз) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Мажбурий жамоат ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин ва ҳукм ижросини таъминлаш Пахтаобод туман ИИБ Пробацяя гуруҳи зиммасига юклатилсин.

_____га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, вақтинча сақлаш учун ДХХ Андижон вилоят бошқармаси хўжалик бўлимига топширилган жами 0,19 грамм “Гашиш” гиёхвандлик моддаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.



Ашёвий далил деб эътироф этилиб, вақтинча сақлаш учун Пахтаобод туман ИИБ ТБ ашёвий далиллар хонасига топширилган бир дона 0,5 хажмли, бир дона 1 литр хажмли ва бир дона пастки қисми кесиб ташланган ҳолдаги полимер идиш баклашкалар тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланган эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида, бу муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

А.Назирбеков

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
Туман судининг раиси**

А.Назирбеков

